

## **ХОЖАМНАЗАР ХУВАЙДО ЯШАГАН ДАВРНИНГ ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ВА АДАБИЙ МУҲИТИ**

**Анкабаева Моҳира Мурадовна**

**Жиззах давлат педагогика университети**

**Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.13347031>**

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Чимён фарзанди Хожамназар Хувайдо яшаган даврнинг ижтимоий – сиёсий ва адабий муҳити ҳақида фикр юритилади. Хожамназар Хувайдо яшаган ва ижод қилган давр мураккаблиги ва қатор фожеаларга бойлиги билан тадқиқ марказида туради. Хувайдо яшаган тарихий давр Мовароуннаҳрда фан ва маданият, ижтимоий- маънавий фикр тараққиёти, уларнинг мавжуд замондошларга муносабати ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланганлиги таҳлилга тортилган.

**Калит сўзлар:** адиб, ғариб, Каъба, Бухоро, тўй – чавғон, Чодак, Шоҳруҳбий, Абулфайзхон, Ар – рисола ад даврийа, Муҳаммад Шариф Бухорий, Абдулғозий, Турди Фароғий, Сўфи Оллоёр, Юсуф Қорабоғий, Абу Абдулло ас – Сиёлкутий, Муҳибулло ал – Ҳиндий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Вафойй, Мулло Масти Охунд, Назр, Равнақ, Андалиб, Роқим, Нишотий, Машраб, Хувайдо, Умар, Боқий.

Адиб ва шоир яшаган замон нотинчликларга қанчалик бой бўлмасин, адабиёт, санъат, маънавият ва бадиият ўз ўрнида турғун тўхтаб қолмади ва шу зиддиятли даврда ҳам Хувайдо каби бир қатор ижодкорлар фаолият юритдилар. Хожамназар Хувайдо яшаган даврларда халқни эксплуатация қилиш жуда кучайиб кетди, дарбадарлар сони кундан – кун, йилдан – йил ортиб борди. Уларни ҳимоя қилувчи ҳақгўйларнинг ўзлари ҳам гадой, ғариб, қаландарона умр ўтказа бошлади ва бунинг оқибатида, кўчага ҳайдалган қашшоқларни ҳимоя қилувчилар пайдо бўлди. Ҳимоясиз халқнинг ҳаётини ўз кўзи билан кўрган, ҳаттоки, ўз бошидан кечирган Хувайдо ҳам замондошларини фожиали ҳаётини акс эттирувчи асарлар яратишга ҳаракат қилди.

Хувайдо ижодини кузатар эканмиз, шоир асарларида Машрабдагидек ҳимоясизлар ҳаёти манзараси билан танишамиз. Қашшоқлар ҳаётини акс эттиришда, Хувайдо Машраб ижодий анъаналарини давом эттиргандай, адабиёт тарихидаги етакчи ғоялардан бири – гуманистик мотивлар бойитиб борилгандай туюлади.<sup>1</sup> Айни ҳолни бошқа тадқиқотчилар ҳам алоҳида қайд этганлигини таъкидлаймиз. Ўз яшаган даври можароларини шоир ошиқнинг ҳол – аҳволини янада ёрқинроқ кўрсатиш учун “гўй – чавғон” ўйинида ишлатиладиган таёқчадан ашё сифатида фойдаланади, тўғрироғи, ошиқни ўша таёқчага қиёслайди ва катта бир ҳодисани қисқа сатрларда акс эттиришга эришадики, бу ҳол ижодкорнинг катта маҳоратга эга эканлигини тасдиқлайди:

*Телбалардек ҳар тараф афтону хезон югуруб,*

*Гўй – чавғон хурда янглиғ беқарор ўлдум, дариг.*

Хувайдо умри давомида замондошларни, жафокаш улуғ халқни ҳимоя қилувчилар тарафида туради, уларнинг дилини оғритмасликка чақиради. Ғарибларга

<sup>1</sup>Худайбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. Дисс...канд.фил.наук. –Т.: 1990. Стр.: 42.

нисбатан қўлланилган хилма – ҳил ножўя ҳаракатлар, барча гуноҳлардан энг оғир, юзта Каъба қурганда ҳам савоби унинг ўрнини қоплай олмаслигини барала уқтиради:

*Ғарибни кўнглини бузмак гуноҳи беадад эрмиш,  
Кафорат бўлмағой юз Каъбани қайтиб бино қилсанг.*

Бу мисраларда биз ўрганган ижодкор гуманизмининг энг юксак чўққисини кўрсатувчи шоҳ байтлардан биргинаси дейиш мумкин. А. Худойбердиевнинг ҳақли таъкидлашича, Хувайдо бу даражага ўз – ўзидан эмас, кўриб ўтганимиздек, Навоий ва Машрабнинг илғор адабий тажрибаларини ўзлаштириш натижасидагина етиб келди.<sup>2</sup>

Хожамназар Хувайдо яшаган ва ижод қилган давр ўзининг жуда ҳам мураккаблиги ва қатор фожеаларга бойлиги билан турли асарлардан муносиб ўрин олганди. Аслида бу давр Марказий Осиёда ижтимоий – сиёсий барқарорлик авж олган, аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон (1711-1747) ҳукумати инқирозга юз ўгирган, чекка вилоятларда сиёсий бошбоқдоқлик ва солиқлар зулмидан норозилик кучайган, хусусан, Чодак, (Чуст шаҳридан 30 км шарқдаги қишлоқ) саййидлари Бухоро амирлигидан мустақил бўлган Фарғона хонлигини ташкил этишга киришган, минглар уруғининг энг обрўли зодагонларидан бири бўлган Шохруҳбий уларнинг ёрдами билан Хўқанд хонлигини ташкил этган (1709 й) йилларга тўғри келди.<sup>3</sup> Тарих саҳифалари ва тарихий воқеликка назар ташлаганимизда, ўша даврдаги мавжуд сиёсий тузум босими халқ оммаси қадини батамом буккан эди.

Тинимсиз урушлар, ҳаддан ташқари оғир солиқлар, маҳаллий ҳокимларнинг бебошликлари устига тез- тез бўлиб турган табиий офатлар (қурғоқчилик, ҳашарот босиши) ҳам мамлакатнинг иқтисодий аҳволини издан чиқарди, халқнинг аҳволини янада ночорлаштирди.

Мана шундай машъум ҳолатлар тинимсиз давом этган бўлса-да, Хувайдо яшаган тарихий давр хусусан Мовароуннаҳрда фан ва маданият, ижтимоий- маънавий фикр тараққиёти, уларнинг мавжуд замондошларга муносабати ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланди. Хусусан, проф. М. Ҳошимхоновнинг қайд этишича, ижтимоий-маънавий фикр тараққиёти ва бадииятида Муҳаммад Шариф Бухорий, Абдулғозий , Турди Фароғий , Сўфи Оллоёр, Юсуф Қорабоғий, Абу Абдулло ас – Сиёлқутий, Муҳибулло ал – Ҳиндий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Вафойи, Мулло Масти Охунд, Назр, Равнақ, Андалиб, Роқим, Нишотий, Машраб, Хувайдо, Умар, Боқий ва бошқа мутафаккирлар тарихий – тадрижий даврнинг мураккаб жарёнида эл – юрт назарига тушган илғор фан арбоблари, атоқли шоир ва олимлар, тақдири мураккаб истеъдодли алломалари эдилар. Улар асарларининг тили, кўтарган ғоялари ҳамоҳанглигига кўра бир – бирига яқин турган маслакдош эдилар<sup>4</sup>.

Кўқон хонлари халқнинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий даражасини кўтариш чораларини излашган. Ижодкорларга раҳнамолик қилиб, рағбатлантиришган. Адабиёт ва санъат ривожига имкон яратишган. Улар воситасида халқнинг маънавий камолига таъсир ўтказишган.

<sup>2</sup> Худайбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. Дисс...канд.фил.наук. –Т.: 1990. Стр.: 43

<sup>3</sup> Қодиркул Рўзматзода. Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари. Монография. –Т.: “ZILOL BULOQ” 2019. Б.: 11.

<sup>4</sup> Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. Б.: 40.

XVIII аср I ярмида Қўқон адабий муҳити ташкил топа бошлаган. Жумладан, бу борада Мирзо Олим “Ансобус – салотин” асарида 1732 – 1733 йилларда Абдулкаримхон даври ҳақида шундай ёзган: “Абдулкаримхон ... хизматиға эшон, мулло, олим Конибодомий ва домулло, олим Намангоний келиб суҳбат тутар эрдилар. Аларнинг суҳбатидан ифода ва истифода топиб, неча умумий диний ва кашф яқиниға олим ва қошиф бўлиб камолот ҳосил қилди.<sup>5</sup>

Баъзи тадқиқотларда XVII - XVIII асрларда кўзга кўринган шоирлар яшаб ижод этмаган, адабий - бадиий ижодиёт ривожланмаган деган мулоҳазалар ҳам учрайди. Лекин кейинги йилларда олиб борилган қатор изланишлар натижасида бу фикрнинг бирёқлама эканлигини кўрсатди. Бизназарда тутаётган тарихий бир даврда ижтимоий фикр тараққиётига ва бадииятига ҳисса қўшган, шоир ва адиблар Юсуф Қорабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Иноятулло Бухорий, ал – Ҳиравий ва Ҳусайн ал – Холҳолий каби мутафаккирлар етишиб чиқди.

Файласуф ибн Муҳаммад Юсуф ал – Қорабоғий ал – Муҳаммад Шоҳий<sup>6</sup> жамият маънавий ҳаётида хурфикрлик ғояларини тарғиб этган йирик олим ҳисобланади. У асли озарбайжонлик бўлиб, мамлакатни турклар ишғол қилган даврда Мовароуннаҳрга қочиб келишга мажбур бўлди ва Самарқандда, кейинчалик Бухорода яшади.<sup>7</sup>

Ҳувайдо яшаган даврдаги маънавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилганда, дастлаб Муҳаммад Шариф Бухорий (1609-1697 Бухоро), тўғрисида мухтасар тўхталиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Унинг кенг фақатгина ижодида бадииятга оид билимларнигина эмас, балки илмнинг тарих, шеърият, ҳуқуқ, тилшунослик, адабиёт каби жабҳаларини ҳам қамраб олингани, унинг бизгача йигирмадан ортиқ асари етиб келганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, улардан “Ар – рисола ад даврийя” (“Даврийлик ҳақидаги рисола”), асари Бухорода ёзилган. Яна “Рисолату истизами давр мин тасасул” (“Даврийликнинг муттасилликка зарурий тобеълиги ҳақида”) рисоласи шулар жумласидандир. Муаллифнинг яна бир машҳур асари “Такаммуле ат – татимме” (Татимматул тўлдирилиши) бўлиб, у мазмун – моҳиятига кўра Юсуф Қорабоғийнинг “Татимматул хавоши фи изолатил ғавоши” (“Ноаниқларни тузатишда ҳошияларнинг яқунланиши”) номли илмий- бадиий ва фалсафий асарига тўлдириш, шарҳ тарзида ёзилганлигини соҳа илм аҳли яхши билишади.

Ислом дини асосларини ва тасаввуф тариқатларини инқирозга маҳкум этувчи бундай иллат фақат Хожамназар Ҳувайдо яшаган давр учунгина эмас, балки XVII асрдаги бутун Марказий Осиё худуди учун хос бўлиб, бундай иллатга қарши Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоёрнинг мурасасиз курашганлигидан гувоҳлик берувчи бир неча адабий далиллар келтиришимиз мумкин. Хусусан, бу ўринда, Бобораҳим Машрабнинг ёлғончи, ситамгар, таъмагир саййидлар, мулло ва хожа (эшон)лар қаторида мусулмон бўлишдан кўра, инсоф – диёнатли кофирларга раҳнамо бўлишни афзал кўриши бежиз бўлмаганлигини таъкидлаймиз:

*Мазлум эллар инграшиб, ким нарча нонға зор эса,*

<sup>5</sup> Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Т.: “Фан”. 1961, Б.: 41. (“Ансобус – салотин, 18-б варақ”.)

<sup>6</sup> Нуриддинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI - XVII асрлардаги ижтимоий – фалсафий фикр. Т.: “Фан”, 1991. Б.: 42.

<sup>7</sup> Ўша асар, Б.: 46.

*Куфр элиға Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур.<sup>8</sup>*

Шунингдек, Бобораҳим Машраб билан бир тарихий даврда яшаб, ижод қилган Сўфи Оллоёрнинг шариатга мутлақо зид сохта тариқатларга қарши эканлигини, унинг куйидаги мисралари тасдиқлай олади:

*Алар ўзлариға ориф қўйиб от*

*Ўқурлар омиларга яхши абёт...*

Ёки Сўфи Оллоёр бундай сохта тариқатчилар бир нечта эканлигини алоҳида таъкидлаб ёзади:

*Бўлубдур ҳам тақи бир фирқа пайдо*

*Оти мўъмин, вале нафсига шайдо.*

Хожамназар Хувайдонинг ўзига замондош бўлган таъмагир, ёлғончи, диёнатсиз ва сохта шайхларга қарши уларнинг гуноҳлари ва ёмон кирдикорларини худди ўзининг шахсий гуноҳлари сифатида фош этиши нақшбандия тариқати ғояларига содиқ эканлини тасдиқловчи муҳим далил бўла олади. Эътибор қиламиз:

*Гунаҳ айлаб бирикмаган кичикдин то қариғунча,*

*Худодин қўрқмаган, инсофи йўқ, юзи қаро кулман.<sup>9</sup>*

Хувайдо фақатгина бу билангина кифояланиб қолмайди, балки у ўз илмига амал қилмайдиган, икки кунлик дунё роҳати, айшу ишрати йўлида таъмагирлик, риёкорлик қиладиган шайх ва муллоларни шайтон деб атаганлигини кузатамиз:

*Ду рўза иззати дунё учун, эй хожасу мулло,*

*Ўқиб илмингга қилмасанг амал монанди шайтонсан.<sup>10</sup>*

Хуллас, Хожамназар Хувайдо ўз замонасининг илғор фарзанди ва ижодкори сифатида тарихий давр ўртага қўйган ўта мураккаб муаммоларни ҳал этишга интилди. Ўзига яқин замондош бўлган буюк мутасаввиф шоирлар Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёрнинг илғор тасаввуфий ғояларини ижодий ривожлантирди.<sup>11</sup>

Азиз ватандошимиз, оташнафас шоир Хожамназар Хувайдо ўзининг ўлмас илмий – адабий мероси билан миллионлаб кишиларни баҳраманд қилган ва келмоқда. Неча йиллар ўтибдики, унинг сеҳрли шеърү ғазаллари ҳануз инсонларни ўзига мафтун этиб, қалбларини титратмоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки Хувайдо асарлари бадий юксаклиги, ҳис – туйғуларнинг қайноқлиги, нозик фикрлар билан суғорилганлиги, халқ ижодиётига хос ва мос бўлган маъно ва мазмунларга бойлиги, муסיқийлиги, қўйингки, бутун – бутун маънавий жозибаси билан барчани сеҳрлайди.

### References:

1. Худайбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. Дисс...канд.фил.наук. – Т.: 1990.
2. Қодирқул Рўзматзода. Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари. Монография. –Т.: “ZILOL BULOQ”? 2019.
3. Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.

<sup>8</sup> Машраб. Девон. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Б.: 308.

<sup>9</sup> Хожамназар Хувайдо. Девон. Иккинчи нашр. –Т.: Янги аср авлоди, 2017. Б.: 186-187.

<sup>10</sup> Ўша асар, Б.: 180-181.

<sup>11</sup> Қодирқул Рўзматзода. Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари. “ZILOL BULOQ”. 2019 Б.: 16.

4. Қаюмов А . Қўқон адабий муҳити. Т.: “Фан”. 1961, Б.: 41. (“Ансобус – салотин, 18-б варақ”.)
5. Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI - XVII асрлардаги ижтимоий – фалсафий фикр. Т.: “Фан”, 1991
6. Машраб. Девон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
7. Хожамназар Хувайдо. Девон. Иккинчи нашр. –Т.: Янги аср авлоди , 2017.



INNOVATIVE  
ACADEMY